

University of Innovation Technologies
“Moliya va iqtisodiyot” kafedrası dotsentları
X. Kalimbetov, B.Seyilbekov. B. Aidaniyazova, S.Ibragimova

University of Innovation Technologies
X. Kalimbetov, B.Seyilbekov. B. Aidaniyazova, S.Ibragimova
доценты кафедры “Финансы и экономика”

University of Innovation Technologies
X. Kalimbetov, B.Seyilbekov. B. Aidaniyazova, S.Ibragimova

docents of the Department of "Finance and Economics"

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚЎШИМЧА ТАРМОҚНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР**

**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ПРИ НАЛАЖИВАНИИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ОТРАСЛЕЙ**

**EXISTING PROBLEMS IN THE DEVELOPMENT OF AN ADDITIONAL
INDUSTRY IN FARMS**

Аннотация: В данной статье авторы раскрыли проблемы развития фермерских хозяйств и деятельности фермеров исходя требование на создание дополнительных отрасли

Abstract In this article, the authors revealed the problems of the development of farms and the activities of farmers based on the requirement to create additional industries.

Ключевые слова: Многопрофильное фермерское хозяйство, факторы сельскохозяйственной специализации, экономический потенциал,

Key words: Multi-branch farm, factors of agricultural specialization, economic potential.

Бугунги кунда қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйган фермер хўжаликлари кўп тармоқли фермер хўжаликлари сифатида ривож топмоқда. Хусусан, фермер хўжаликларининг фаолияти, қачон ва қандай ҳолатларда

кўп тармоқли фермер хўжалиги сифатида номланиши борасида аниқ ҳуқуқий асослар шакллантирилмаган. Шу боис бизнинг назаримизда:

“Кўп тармоқли фермер хўжаликлари” – бу ер участкаларини узок муддатли ижарага олиш пайтида кўзда тутилган ишлаб чиқариш йўналиши бўйича белгиланган етакчи тармоққа нисбатан қўшимча равишда қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ташкил қилиш (моддий ва номоддий ишлаб чиқариш) орқали товар ишлаб чиқаришни ташкил этган фермер хўжаликларидир.

Янгидан ташкил қилинган қўшимча тармоқлар фермер хўжалиги учун ажратиб берилган ер майдонлари, ёки фермер хўжалигининг ноқишлоқ хўжалиги ер майдонларидан ташқарида ҳам жойлашган бўлиши мумкин.

Умуман олганда фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилиш – хўжаликнинг етакчи фаолият тури бўйича етиштириладиган маҳсулотлар билан биргаликда, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа соҳалардаги фаолият юритишни ташкил этиш орқали (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, турли йўналишларда хизматлар кўрсатишни ташкил этиш каби) фермер хўжалигининг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар мажмуидан иборат.

Бизнинг назаримизда фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фермер хўжаликларининг етакчи тармоғи билан технологик жиҳатдан уйғунликда ёки етакчи тармоқ билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган йўналишларда ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида юқорида таъкидланганидек етакчи тармоқ бу хўжаликнинг ташкил қилиниши пайтида белгиланган ихтисослашув йўналиши бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва сотиш фаолияти билан шуғулланиш ҳисобланади. Хусусан (1.5-расм):

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ етакчи тармоқ фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш (моддий ёки номоддий ишлаб чиқариш) йўналишларида ташкил этилган ҳолатларда қуйидаги расмда кўрсатилган фаолият турларидан бири ёки бир нечтаси танланиши мумкин (1.1-расм).

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилишда фермер хўжаликлари тадбиркор сифатида ўз хусусий манфаатлари доирасида фаолият юритгани ҳолда, қўшимча тармоқларни ташкил этган тўлик ихтиёрий равишда амалга оширилиши лозим. Шундагина фермерда эркин бозор талабларига мослашиш имкони пайдо бўлади, таннархи рақобатга бардошли маҳсулотлар етиштириб бозорга тақдим этишга юқори даражадаги манфаат юзага келади.



1.1-расм. Фермер хўжаликларида етакчи тармоқлар билан технологик уйғунликда ташкил қилинадиган қўшимча тармоқ таркиби¹

Қўшимча тармоқлар ташкил қилиниши фермер хўжаликлари учун кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасининг мавсумийлик хусусиятини юмшатиш ҳисобига мавжуд моддий-техник ресурслар, айниқса иш кучидан самарали фойдаланиш ҳисобига молиявий барқарорликка эришиш манбаи ҳисобланиши билан биргаликда, ҳудудларда бозорлар тўкинчилиги, нарх-

¹Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

навонинг барқарорлиги, қишлоқ жойларида қўшимча иш ўринлари ташкил қилиниши ҳисобига жамият учун ҳам манфаатли фаолият ҳисобланади.


Айни пайтда таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларида ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари доирасида қўшимча тармоқларда етиштирилган маҳсулотлар ходимлар учун “ижтимоий пакетлар” доирасида ҳам сарфланиши мумкин. Тадқиқотлар кўрсатишича, фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ривожлантиришда ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина бўлиб, бизнинг назаримизда улар асосан қуйидагилардан иборат (1.2-расм).



1.2-расм. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларнинг етакчи тармоқ билан технологик боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкил этиш йўналишлари²

²Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, аксарият ҳолларда фермер хўжаликларида етакчи тармоқларга мавжуд ресурсларни (иш кучи, интеллектуал салоҳият ва молиявий ресурслар) йўналтиришиб, қўшимча тармоқлар иккинчи даражали тармоқ сифатида қаралиши ёки қўшимча тармоқларнинг фойдаси кўлами тўғрисидаги иқтисодий таҳлиллар етишмаслиги масалани қийинлаштиради.



1.3-расм. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар³

³ Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу эса ўз-ўзидан қўшимча тармоқларнинг аҳамиятини пасайтиради. Ёки қўшимча тармоқлар ҳар томонлама бозорни ўрганган ҳолда ва фермер хўжалигининг ички иқтисодий имкониятларини (ер майдонлари мавжудлиги, етарли миқдордаги сув таъминоти, иш кучининг мавжудлиги, қўшимча тармоқ ҳисобига олинган маҳсулоларни сотиш имкониятлари) ҳисобга олмасдан ташкил этилиши ҳам кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Масалан, кўп ҳолларда пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларида асосий тармоқ ҳисобланган пахтачилик ва ғаллачиликка йил давомида катта эътибор қаратилиб, барча ресурслар сафарбар қилинган ҳолда қўшимча тармоққа эътибор сусайиши натижасида қўшимча тармоқдан олинадиган иқтисодий самара ҳам одатда жозибасиз бўлади.

Узоқ қишлоқларда қўшимча тармоқ сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ёки иссиқхоналарни ташкил қилган фермер хўжаликлари учун газ таъминотидаги муаммолар ёки электр энергияси етказиб бериш борасидаги узилишлар қўшимча тармоқлар ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади. Масалан, ҳозирда давлат буюртмасидан ортиқча буғдой фермер хўжаликлари ихтиёрида қолади. Буғдойнинг асосий қисми ун ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Демакки буғдойни қайта ишлаш имконини берадиган, кичик цехларда ва айниқса уй шароитида фойдаланиш мумкин бўлган кичик технологик ускуналар харид қилиш зарурати республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам мавжуд. Фермер хўжаликлари ихтиёрида қоладиган буғдойни қайта ишлаш имконияти ортиши эса ўз ўрнида қишлоқ жойларида долзарб бўлган паррандачиликни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтиради. Бу эса қишлоқ оилаларида паррандаларни сақлайдиган қафасчаларга талаб ортишига олиб келади.

Қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни юритиш учун фермерларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, қўшимча тармоқлар учун техник-иқтисодий асосномалар тайёрлаш, бизнес режалар тузиш, маҳсулотларни сотиш имкониятларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришни

ташқил қилишдаги молиявий таваккалчиликлар тўғрисида фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш ва ахборотлар етказиб бериш тизимларини ривожлантириш тақозо қилинади. Шу боисдан қишлоқларда жойлашган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб ҳунар коллежлари қошида фермер хўжаликларини ўқитиш ва малакасини оширишга қаратилган мунтазам курсларни ташқил этиш замон талабига айланмоқда.

Список литературы

1. Брель В.К. Многопрофильность сельскохозяйственных предприятий как резерв повышения эффективности производства. Автореф: кан. дис. – Саратов., 2001. – 31 с.
2. Бусел И.П. Экономика сельского хозяйства: учебное пособие – Минск: Республиканский институт профессионального образования, 2014. – 447 с
3. Добрынин В.А. Актуальные проблемы экономики АПК. Уч. пособие / В.А. Добрынин. – М.: Издательство МСХА, 2015. – 280 с.;
4. Коньгин. А.А. Фермерская хозяйства США. М. «Агропромизат». 1989. 78. С.
5. Королёв Ю.Б. Управление в АПК / Ю.Б. Королёв, В.З. Мазлоев, А.В. Мефед и др. – М.: Колос, 2014. – 376 с.;
6. Қалимбетов Х.Қ. Бозор шароитида экологик ҳудудларда аграр соҳани иқтисодий ривожлантиришнинг устувар йўналишлари .- Ж.Узбекистон қишлоқ хўжалиги. 2013. -№11- Б. 35-37
7. Қалимбетов Х.Қ. Қуп тармоқли фермер хўжаликларини –янги иш уринларини яратиш ва аҳоли даромадини қупайтириш омили.- Ж. Фуқоралик жамият. 2017. -№1(49)- Б. 24-27
8. Қалимбетов Х.Қ. Основы развития многоотраслевых фермерских хозяйств в республике Узбекистан.- Институты и механизмы

инновационного развития: мировой опыт и Российская практика сборник научных статей 6-й международной научно- практической конференции.